Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН № 63 (7203). ● 1 апрель, 1980 йил ◆ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.
ЧИҚА БОШЛАГАН

ВАЛЮТА ЦЕХИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

Оғир сариқ металл қиммат туради, лекин уни қазиб чиқарувчи кишиларнинг меҳнат ғайрати ва таланти, фидокорлиги ва маҳорати олтиндан ҳам қиммат. Ўзбекистон ишлаб чиқариш олтин қазиб олиш «Узбекзолото» бирлашмасининг коллективи бешинчи йилида социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини юксалтирганлиги, иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажарганлиги учун юксак шарафга сазовор бўлди. 31 март куни «валюта цехи»нинг меҳнаткашларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи тантанали вазиятда топширилди.

Залда бирлашма корхоналарининг ишчилари ва инженерлари, техниклари ва мастерлари, етакчи мутахассислари, хизматчилари ўтиришибди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кўчма Қизил байроқни топширади. У олтин қазиб чиқарувчиларни юксак мукофот билан самимий табриклади, уларга меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилади, коллективнинг навбатдаги вазифаларига тўхталди.

Кўчма Қизил байроқ топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда «Узбекзолото» бирлашмасининг Бош директори А. Қ. Қаҳҳоров, янги техникани жорий этиш комплекс бригадасининг ишчиси В. З. Устиловский, кон директори Х. Б. Баҳромов, проходкачи В. В. Дайбов олтин ажратиш фабрикасининг смена мастери Т. Б. Пономаренко сўзладилар. Нотиқлар коллективнинг 1979 йилдаги ишларига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматга самимий миннатдорчилик билдирдилар. Улар бирлашманинг барча меҳнаткашлари номидан гапириб, металлурглар ва конchилар КПСС XXV съездининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларидаги қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, давлат топшириқлари, социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, Ленин юбилейи меҳнат вахтасини зарбдорларча ўтказадилар, совет кишилари фаровонлигини оширишга, социалистик Ватан қудратини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ваъда бердилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК УЧУН ТОЛМАС КУРАШЧИГА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Ленин мукофоти топширилди

«Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлидаги тинимсиз кураши учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Ленин мукофоти берилди. 31 март куни Кремлда шу мукофотни Леонид Ильич Брежневга топширишга бағишлаб Москва меҳнаткашлари вакилларининг тантанали йиғилиши бўлди.

Свердлов залида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзолари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари бор эди.

Йиғилиш қатнашчилари **Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин** ўртоқларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг Ранси **Г. М. Марков,** комитет раисининг ўринбосарлари, комитет президиумининг аъзолари, адабиёт ва санъатнинг таниқли арбоблари улар билан бирга президиумга чиқадилар.

Тантанали йиғилишни Г. М. Марков очди.



Суратда: мукофотни топшириш пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари босилиб чиққанлиги муносабати билан ёзган мақолалари совет жамиятининг маънавий ҳаётида ғоят катта аҳамиятга молик воқеа бўлди. Мамлакатимиздаги миллион-миллион китобхонлар, чет мамлакатлардаги миллионлаб кишилар ана шу китобларни совет халқи тарихининг ғоят муҳим даврларида унинг қаҳрамонона жасоратлари тўғрисидаги оташин, ҳаққоний қисса сифатида қабул қилдилар.

Леонид Ильичнинг воқеабанд ва ижодкори ва ижодкори фикрининг нўри билан ёритилгандир. (**Қарсаклар**). «Кичик ер»да ҳам, «Тикланиш»да ҳам, «Қўриқ»да ҳам партия билан халқ—бош қаҳрамон. Бирок партия билан халқнинг иши — китоблар муаллифининг ҳам иши, муаллиф бутун ҳаётининг ишидир. Айни халқ билан партиянинг ҳоҳиш иродасига кўра, у курашнинг олдинги маррасига қўйилган, воқеалар марказида турган айни унга, кишилар оммасига раҳбарлик қилиш, уларнинг ҳаракатларини, ғайрат-шижоатини тўғри йўлга солиш, коммунизм тантанаси сари дадил олиб боришдек юксак ҳуқуқ ишониб топширилган. Худди шунинг учун ҳам Леонид Ильич китоблари саҳифаларида унинг ҳам олижаноб образи — ўз халқи улуғ фарзандининг халқлар тинчлиги ва равнак топиши учун толмас курашчи, Ленининг барҳаёт иши содиқ давомчисининг образи ёрқин ва яққол гавдаланади. (**Давомли қарсаклар**).

Совет Иттифоқидагина эмас, шу билан бирга ер юзининг бошқа мамлакатларида ҳам миллион-миллион кишилар ўртоқ Леонид Ильич Брежневга унинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари учун сидқидилдан самимий миннатдорчилик сўзларини изҳор этдилар. Бу китоблар уларни маънавий бойитди, социализм ва коммунизм, демократия ва эркинлик, интернационал қардошлик тантанаси йўлида янги-янги жасоратларга илҳомлантириб, отлантирди.

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети ўртоқ Леонид Ильич Брежневга якдиллик билан Ленин мукофотини бериб, унга шу фахрли мукофотни тақдим этиш тўғрисида ўз таклифларини йўллаган кўпгина меҳнат коллективларининг, минг-минглаб меҳнаткашларнинг ҳоҳишини бажо келтирди. (**Қарсаклар**).

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга Ленин мукофоти бериш тўғрисида»ги қарорини ўқиб эшиттиришга ижозат бергайсиз:

«КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун Ленин мукофоти бериш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, қарор қиладилар:

«Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлидаги тинимсиз кураши учун ўртоқ Леонид Ильич Брежневга Ленин мукофоти берилсин». (**Давомли қарсаклар**).

Азиз ўртоқлар!

Мукофотлар комитети номидан, шу залда ҳозир бўлган барча кишилар номидан, ҳамма китобхонлар номидан азиз Леонид Ильични фахрли мукофот билан чин қалбдан астойдил муборакбод этишга, унга сиҳат-саломатлик бахт-саодат, ватанимиз фаровонлиги йўлидаги баҳодирона фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. (**Гулдурос қарсаклар**).

* * *

Г. М. Марков йиғилиш қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида Л. И. Брежневга Ленин мукофоти лауреатининг дипломи ва нишонини топширди. Йиғилиш аҳли ўртоқ Л. И. Брежневни ўринларидан туриб, қизғин давомли қарсаклар билан табрикладилар.

Унга ердаги жангларнинг қатнашчиси, 18-армия сиёсий бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари, истеъфодаги полковник С. С. Пахомовга сўз берилади.

Ўртоқ С. С. ПАХОМОВ нутқи

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Леонид Ильичнинг полкдоши, у билан урушнинг деярли ҳамма йилларида ҳаракатдаги армияда у билан ёнма-ён бўлган менга Леонид Ильичнинг ажойиб «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун унга Ленин мукофоти топширилишига бағишланган бугунги тантанали, унутилмас воқеада иштирок этиш чинакам зўр мамнуният бахш этади. (**Қарсаклар**).

Азиз Леонид Ильич, шу юксак ва муносиб мукофот билан Сизни шахсан ўз номимдан, барча кичик ерликлар, шунли 18-армия ветеранлари ва мамлакат бутун Қуролли Кучлари номидан чин қалбдан қизғин табриклаётганимдан бехад хурсандман. (**Қарсаклар**).

Леонид Ильичнинг китоблари — мислсиз асарлардир. Улар катта ҳаётий умумлашмаларнинг кўлами, сиёсий хулосаларнинг теранлиги жиҳатидан бебаҳо бўлиб, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак тўғрисидаги китобларидир. Леонид Ильич китобларининг саҳифаларида ҳаётнинг ўзи тилга киради. Китобларнинг қаҳрамонлари ҳаётимиздаги ўзимизнинг замондошларимиз, ўртоқларимиз, дўстларимиз, биз билан бирга ишлаётган, яшаётган кишилардир. Улар ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида — ишлаб чиқаришда, фанда, маданиятда, ҳарбий ишда, ҳаётимизнинг ҳамма томонларида ўзларини кўрсатмоқдалар. Китобларда ҳаётимизнинг ҳамма муҳим масалалари ҳал этилади

ТИНЧЛИК УЧУН ТОЛМАС КУРАШЧИГА

(Боши 1-бетда)
Леонид Ильичнинг айтганларига қулоқ солардик. Биз у билан бирга қаттиқ туриб бардош бердик ва ғалаба қозондик. Зотан «Кичик ер» китоби совет солдатига қўйилган жуда ажойиб ёдгорлик, дунёни фашизмдан ҳалос этган қаҳрамон халқ, мўъжаззам халқнинг жасорати тўғрисидаги таъсирчан қиссадир. Биз, урушнинг нималигини, у бизга нақадар қимматга тушганлигини яхши билувчи уруш ветеранлари бутун совет халқи билан биргаликда партиямизнинг бутун дунёда тинчлик учун олиб бораётган курашини яқдиллик билан тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Партиямиз бу курашни Марказий Комитет, Сиёсий бюро ва шахсан Леонид Ильич Брежневнинг доно раҳбарлигида сабот-матонат ва изчиллик билан олиб бормоқда. **(Давомли қарсаклар).**

Совет халқи тинчлик ва халқаро ҳамкорлик ғоялари тантана қилишига аминдир. Биз, совет кишилари эса партия ва Леонид Ильич, шахсан Сиз ўртага қўйган вазифаларни, бутун дунёда тинчлик таянчи бўлган ватанимизнинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифаларни тўла-тўкис бажармоқ учун тинимсиз меҳнат қилаверамиз. **(Қарсаклар).**

Азиз Леонид Ильич! Ленин мукофоти топширилганлиги билан Сизни қизғин ва самимий табриклаймиз ҳамда Сизнинг халқимиз бахт-саодати йўлидаги, коммунизм манфаатлари йўлидаги сермашаққат, самарали ва тинимсиз фаолиятингизда чин қалбдан янги-янги муваффақиятлар, битмас-туганмас ижодий куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилаймиз! **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Целиноград область, Отбосар районидаги «Шуйский» совхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Е. Довжик минбарга чиқади.

Ўртоқ М. Е. ДОВЖИК нутқи

Азиз Леонид Ильич!
Ҳурматли ўртоқлар!

Бугун мен замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, қаҳрамонона қўриқ эпопеясининг стратеги ва ташкилотчиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг унга Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин мукофоти топширилганлиги билан қўриқ ветеранлари номидан, биринчи жўякни очган ва буюк қўриқ ишига бутун умр содиқ бўлиб қолган кишилар номидан табриклаш ва мубораксад этишдек юксак шарафга муяссар бўлдим. **(Қарсаклар).**

Сизнинг ажойиб «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китобларингиз ҳаммамиз учун ҳаётнинг доно дарсликлари бўлиб қолди. Совет кишилари бу китоблардан қайта-қайта зўр илҳом олмоқдалар. Бу илҳом катта ишлар ва зафарларга чорламоқда, ғалабага ишонч бағишламоқда.

Леонид Ильич билан биргаликда ишлаган қўриқ ветеранлари ўша йилларни ўртоқ Брежнев бормаган қўриқ совхози топилиши амри маҳол деб ҳақли равишда таъкидламоқдалар. Далада ДТ-54 трактори ёнидаги, совхоз ошхонасидаги, янги, яқинда қуриб битказилган клубдаги, райком секретарининг кабинетидаги ана шу учрашувлар бутун умрга ёдда қолди. Дастлабки чўлқувварлар ана шу шонли давр тўғрисида ўз фарзандлари ва невараларига астойдил тўлқинланиб сўзлаб берадилар.

Қўриқ ўзлаштирилди, қўриқ ўз потенциалини оширмоқда, у коммунизм учун дадил ишламоқда. Қозогистоннинг машҳур миллиард пудлари эндиликда энг қулай келган айрим йиллар учунгина хос бўлмай, балки бизнинг оддий иш нормамиз бўлиб қолмоқда.

Леонид Ильич бугунги кунда ҳам қўриққа, халқларнинг қардошлик оиласида ўзининг 60 йиллигини кутиб олаётган Совет Қозогистонини ҳар томонлама равнақ топтиришга зўр эътибор бериб келмоқда. Биз, Қозогистонликлар буни яхши билиб ҳамиша ёдда тутамиз ва юксак қадрлаймиз.

Мана шуларнинг ҳаммаси учун, шундай днёрда яшаш, тинч осмон остида яшаб илҳом билан коммунизм қуриш бахтига муяссар бўлганимиз учун биз, совет кишилари жонажон Коммунистик партиядан, унинг Марказий Комитетидан, Улуғ Ленин ишининг давомчиси, азиз ва суюкли Леонид Ильич Брежневдан астойдил миннатдормиз ва уларга ташаккур билдирамиз. **(Қарсаклар).**

Леонид Ильич, Сизга сидқидилдан қўйдан-кўп раҳмат! Ҳамма қозогистонликларнинг, ўзлаштирилган қўриқ барча авлодларининг ғоят қизғин табрикларини ҳамда сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаб билдирган энг яхши истакларини қабул қилгайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Ленин Мукофотининг Лауреати, СССР Фанлар Академиясининг вице-президенти академик Ю. А. Овчинников сўз олади.

Ўртоқ Ю. А. ОВЧИННИКОВ нутқи

Азиз Леонид Ильич!
Азиз ўртоқлар!

Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» трилогияси босилиб чиқиши мамлакатимиз ва бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унда Ленин типидаги большевик, замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбобининг кўп қирали тажрибаси ифода этилган.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари ва нутқлари — давримиз марксча-ленинча диалектикасининг, совет жамияти энг чуқур жараёнларини илмий асослаб тадқиқ этишнинг намунасидир, коммунистик ғояларнинг яққол қарор топишидир. Унинг трилогияси китобларида социализм қурилишининг энг муҳим босқичлари ғоят ифодали қилиб тасвирланган, ўзимизнинг совет турмуш тарзимиз, ўзимизнинг совет кишимиз зўр муҳаббат билан кўрсатилган.

«Кичик ер» — совет жангчисининг матонати ва астойдил қаҳрамонлигини мадҳ этувчи қасидадир. Аслида «Кичик ер» — совет характери фалсафий — психологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этилган, тарихнинг энг қалтис пайтларида халқ оммасига раҳбарлик қилишнинг ленинча принциплари ривожлантирилган китобдир. «Тикланиш»да Коммунистик партиянинг мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш соҳасидаги зўр ташкилотчилик иши манзарасини кўриш, мамлакатимизнинг сўнгги йиллардаги партия, давлат, бутун ижтимоий ҳаётини белгилаб келаётган ленинча иш услубининг, бошқариш ва хўжалик юритиш илмининг манбаларини яққол тасаввур этиш мумкин. «Қўриқ»да партия илмий баширатининг кучини, унинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш, мамлакатимизнинг ғоят бой ғалла конини барпо этиш соҳасидаги баҳодирона меҳнатини яққол ҳис этасан, киши. «Қўриқ» — Леонид Ильичнинг ҳозирги аграр сиёсатни ишлаб чиқишга шахсан бебаҳо ҳисса қўшганлигининг яққол далилидир, бу — энг илғор илмий фикр ютуқларининг қўриқда битган бўлиқ бошоқдаги мужассамидир.

Азиз Леонид Ильич, Сизни барча совет олимлари номидан, СССР Фанлар Академияси номидан Ватанимиз олдида уларни ҳал этиб, бирёқлик қилиб беришни уддалай олиш-олмасликни ҳам билмайман. Жуда қийин ва мураккаб вазифаларга дуч келганимда, ижоддаги машаққатларни бартараф қилишга кўмак бера оладиган ва ўзимдаги инсонга муҳаббатни мустаҳкамлай оладиган мустаҳкам таянчларни, йўлчи юлдуз бўла оладиган китобларни излайман.

Азиз Леонид Ильич! Мен Сизнинг трилогиянгизни ўқиганимда мана шундай ҳис-туйғуларга берилдим. Сизни ишонтириб айтаманки, мен Сизнинг жуда синчков китобхонингиз бўлдим. Сизнинг инсонга, олдий совет кишисига — жангчига, ишчига, галлакорга нисбатан меҳр-муҳаббатингиз, Сизнинг инсонга астойдил ишончингиз, сўзларингиз руҳига сингдириб юборилган қалб қўрингиз, китобларингиздаги олижаноб инсонпарварлик, Сизнинг инсонийлигингиз менинг қатъиятимни оширди, инсон мавзуи устидаги ижодий ишни давом эттиришимга янги куч, ишонч ва иштиёқ бахш этди.

Ҳаммамизга шу қадар зарур мадад берганингиз учун Сизга раҳмат. Менинг назаримда бир инсонни ёмон кўриб қолиш ва ундан нафратланишдан осон нарса йўқ. Инсонга меҳр қўйиш анча қийин. Янги инсон қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб бериш эса ҳаммасидан қийин. Леонид Ильич, Сиз айни мана шу, энг оғир йўлни танлаб олдингиз. Коммунист, новатор, инсонпарварга хос мана шу принципиал позиция учун Сизга раҳмат. Инсон учун мана шу инсонпарварлик курашида, янги совет кишиси учун революцион курашда биз Сизга ҳамдаммиз.

Сизнинг тинимсиз партиявий ва давлат фаолиятингиз, Сизнинг оқил, инсоний, жанговар сўзингиз бизнинг республикамиз меҳнаткашлари, ёзувчилари, санъаткорлари қалбида ҳам қизғин акс-садо берди. Бу йил бизнинг республикамиз учун алоҳида йил: биз Совет Литвасининг қирқ йиллигини нишонлаймиз. Янги — социалистик Литва менинг авлодим кўз ўнгида дунёга келди, биз барча совет халқларининг ўғил ва қизлари билан биргаликда уни душманлардан ҳимоя қилдик, биз ҳаммамиз унинг порлоқ келажагини биргаликда барпо этдик, биз ҳаммамиз унинг катта муваффақиятларидан биргаликда қувонамиз. Бу йил бизнинг қаҳрамон Балтика соҳилимизда шодиёна, катта, тарихий байрам бўлади.

Ҳурматли Леонид Ильич, Сизни адабиёт бобидаги катта муваффақиятингиз билан яна бир бор астойдил табриклашга, Сизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилашга, бутун улуғ ватанимизнинг равнақи тўғрисидаги ғамхўрлигингиз учун ташаккур айтишга ва республикамизнинг юбилей байрамига таклиф қилишга ижозат берганингиз. Литваликларнинг меҳмондўстликлари азалдан маълум. Сиз мана шу меҳмондўст диёрда энг азиз ва эъзозли меҳмонимиз бўласиз. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Ленин мукофотининг лауреати, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга сўз берилади.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари ўринларидан туриб, ўртоқ Л. И. Брежневни давомли қарсаклар билан табриклаб кутиб оладилар.

(Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи газетамизнинг 1-бетида босилмоқда).

* * *

Тантанали йиғилиш охирида Г. М. Марков бундай деди:

Азиз Леонид Ильич, бугун мана шу залда билдирган эзгу туйғуларингиз ва илҳомбахш сўзларингиз учун кўпдан-кўп раҳмат. Совет ёзувчилари ва журналистлари, рассомлари ва бастакорлари, кино, телевидение, театр, архитектура усталари аввалгидек, ҳамиша ва ҳар жойда халқ билан бирга, жонажон Коммунистик партия билан бирга бўлишларига, партия планлари ва режаларини амалга оширишга ўзларининг бутун кучларини сарфлашларига шак-шубҳа йўқ.

Г. М. Марков Леонид Ильичга келгусида ҳам Ленининг музаффар байроғини — тинчлик ва коммунизм байроғини ҳозиргидек комил ишонч билан баланд кўтариб бораверишини тилади. (ТАСС).

МАККАЖЎХОРИДАН МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРАЙЛИК

ОБЛАСТЬ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИ СЛЕТИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ МАККАЖЎХОРИЧИЛИК БРИГАДАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА, ХЎЖАЛИКЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРГА, КОММУНИСТЛАР ВА КОМСОМОЛЛАРГА, ОБЛАСТНИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ эта борибб, ўнинчи беш йилликнинг тўрт йилида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришга, белгиланган планларни ортиғи билан бажаришга эришдилар.

Область ғаллакорлари дон етиштириш ва давлатга сотиш беш йиллик планини муддатидан илгари тўрт йилда бажардилар.

Ўтган йили область хўжаликлари давлатга 115 минг тонна, ёки планда белгиланганидан 44 минг тонна кўп дон сотишни таъминладилар.

Бу ютуқларга маккажўхорикорлар ҳам муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар ўтган йили ҳар бир гектар ердан 72 центнердан ҳосил етиштиришга эришдилар. Айниқса, комсомол-ёшлар бригадаларида маккажўхори дон ҳосилдорлиги юқори бўлди. Ўзбекистон Ленин комсомоли лауреатлари Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозидан Ҳолида Абдураимова, Чиноз районидаги «КПСС XXIV съезди» совхозидан Абдурасул Эрназаров бошлиқ бригада коллективлари ва уларнинг издошлари Калинин районидаги Куйбишев номли колхозидан Раҳмат Ортиқов, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозидан Тўхтасин Қосимов. Ғалаба районидаги Энгельс номли колхозидан Жалғас Омонбоев, Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозидан Қобил Қосимов, Бўка районидаги «Кўкорол» совхозидан Соли Искандаров бошлиқ бригадалар коллективлари ўтган йили ҳар бир гектар ердан 100-125 центнердан маккажўхори дони ҳосили етиштириб, рекорд кўрсаткичга эришдилар. Областимиз маккажўхорикорлари 1980 йилда 146 минг тонна «қаҳрабо дон» етиштириш ва бу билан колхоз ва совхозларда чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилдилар.

Биз, область маккажўхорикорлари слёти қатнашчилари маккажўхоричилик бригадалари коллективларига, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига, механизаторларга, коммунистлар ва комсомолларга, барча қишлоқ меҳнаткашларга мурожаат қилиб, олдимизда турган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ленинчасига ишлаш зарбдор йилга айлантириш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга чақирамиз.

МАККАЖЎХОРИЧИЛИК БРИГАДАЛАРИ АЪЗОЛАРИ, МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

Жонажон диёримиз бўйлаб баҳор кезмоқда. Қуёш узининг заррин нурлари билан мисқоли олтинга тенг тупроғимизни иситмоқда, саҳоватли деҳқонларимиз ерга барака уруғларини тикмоқдалар. Баҳорнинг ҳар бир дақиқасидан, мавжуд техника ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиб, дон учун маккажўхорини алмашлаб экишга киритилган маҳсулдор, ҳосили текисланган, сув билан тўла таъминланадиган ерларга ВИР-338 ТВ ва бошқа районлаштирилган гибрид ҳамда навларининг сараланган уруғлари билан 5 апрелдан кечиктирмай озуқа лавлагиси қўшиб экишни тугаллашни таъминлайлик. Бунда ҳар бир гектар ерга 20-25 килограмм маккажўхори, 7-8 килограмм озуқа лавлаги уруғи сарфлашга, экиш билан бир йўла гектар ҳисобига 20-25 килограмм азот ва фосфор (соф ҳолда) солишга эришайлик. Кўчат қалинлигини тупроқ шароитига, экилган уруғнинг навларига қараб белгилашимиз лозим. ВИР-338 ТВ, Руминия ва Югославия навлари гибридлари экилган майдонларда 55-60 минг, баланд бўлиб ўсиб, кеч пишиб етиладиган Ўзбекистон тишсимон, Ўзбекистон-100 ва УзРОС навлари уруғлик учун экилганда кўчат-қалинлиги 40—42 минг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Озуқа лавлагиси билан қўшиб экилган майдонларда экиш схемаси маккажўхори учун 90х40х2, лавлаги учун 90х15х1 бўлиши лозим. Бунда маккажўхори туплари қалинлиги ҳар гектарда 55 минг, лавлагининг қалинлиги 60 минг бўлишини таъминлайлик.

Асосий эътиборни ниҳолларнинг бир текис униб чиқишига, хатосига ивитилган уруғ экишга, лавлагини яганалаш ва минерал ўғитларга майдаланган қуруқ органик ўғитлар қўшиб озиқлантиришга қаратишимиз, 10 майга қадар ҳамма майдонда қатор оралариға биринчи комплекс ишлов беришни тугаллашимиз зарур.

Маккажўхори 5-6 та барг чиқарганидан сўнг гектар ҳисобига 240-250 (стандарт тук ҳисобида) килограммдан азот ўғити беришни, эгат олиб суғоришни, иккинчи марта 8-10 барг чиқарганда азот билан озиқлантиришни ва суғоришни ўз вақтида ўтказишни таъминлайлик.

Сувдан сўнг тупроқ етилиши билан қатор оралариға ишлов беришни кечиктирмасдан ўтказиш ғоят муҳимдир. Сўталарининг сер дон бўлиши учун вегетация даврида яна уч марта, яъни маккажўхори попук чиқара бошлаганда, ҳосил туга бошлаганда ва дон думбул бўлган пайтда 7-8 кун оралиғида суғоришга алоҳида эътибор берайлик. Ўз вақтида ва сифатли суғориш, сувдан самарали фойдаланиш мақсадида сувчиларнинг етарли бўлишини таъминлашга эришайлик ва тунги суғоришни кенг уюштирайлик.

Ҳар бир бригада, колхоз ва совхозда фидокорона меҳнат қилиб, барча агротехник тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиб, ер, сув, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиб, гектардан 100 центнердан ва ундан кўпроқ маккажўхори дон ҳосили етиштиришни таъминлайлик.

МАККАЖЎХОРИЧИЛИК БРИГАДАЛАРИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН КОМСОМОЛ-ЁШЛАР, КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ!

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг республикамиз ёш маккажўхорикорларига йўллаган хатида «қаҳрабо дон» етиштиришни кўпайтиришда комсомол ташкилотларининг оталиғини авж олдириш муҳимлиги тўғрисидаги қимматли маслаҳатлари ва кўрсатмаларини амалга оширишда ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишларни кенг кўламда олиб борингиз.

Комсомол-ёшлар маккажўхоричилик бригадаларида деҳқончилик маданиятини оширишда, маккажўхори қатор оралариға ишлов беришда «Сифат белгиси» олиш учун ҳар бир коллективда социалистик мусобақани ташкил этиб, унинг ошқорлигини ва таъсирчанлигини таъминлангиз. Агротехник тадбирлар сифати устидан назоратни кучайтириб «Комсомол прожектори» постлари ишларини яхшилаш чораларини амалга оширингиз.

Дала шийпонларида бригадалар аъзоларининг унумли меҳнат қилишлари, дам олишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш юзасидан хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари билан биргаликда доимий ғамхўрлик қилиб борингиз.

ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ!

Маккажўхоричилик бригадаларига унумдор, мелиоратив ҳолати яхшиланган, алмашлаб экиш жорий этилган далалардан йирик майдонларни белгилаб беринг из. Уларга етарли миқдорда юқори сифатли уруғларни, минерал ва маҳаллий ўғитларни ўз вақтида етказиб беришни таъминлангиз. Ерларни экишга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган механизмлар, сеялкалар, культиваторларни керакли миқдорда ажратиб бериш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга оширингиз.

Маккажўхоричилик бригадаларида ишлаётган колхозчи ва совхоз ишчиларининг, механизатор ва сувчиларнинг юқори ҳосил етиштириш йўлидаги ҳаракатларини янада кучайтириш мақсадида уларни ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантириш тадбирларини белгилаб, кенг жорий этингиз.

Мусобақадош бригадалар ўртасида ҳар ойда икки марта, хўжаликлар ўртасида эса камида бир марта ўзаро текширув ўтказишни, уларнинг натижаларини бригада коллективлари, колхоз, совхозларнинг йиғилишларида кенг муҳокама қилишни, мавжуд камчиликларни тез бартараф этиш чора-тадбирларини кўриб боришни ташкил этингиз.

Ҳар бир хўжаликда 1 июлга қадар мавжуд бўлган барча маккажўхори ўрадиган комбайнларни ремонтдан чиқариб тайёрлаб қўйингиз, уларни икки сменада ишлатиш мақсадида етарли юқори малакали механизатор кадрлар билан таъминлашга эришингиз.

Ўрим-йиғим олдидан, августнинг биринчи ўн кунлигида маккажўхори дон комбайнлари экипажлари аъзоларининг семинар-ўқишини, конкурсларини ташкил этингиз. Ҳамма ерда ўрим-йиғимнинг ипатоволиклар ишсиз ўтишини асосида олиб борингиз. Маккажўхори ўрим комбайнлари иши икки сменада группа усулида ташкил этиш ва уларга тажрибали созловчи слесарлар, пайвандлаш агрегатлари билан таъминланган кўчма устахона бириктириб қўйишга дон ва силос массасини ташиш учун етарли миқдорда транспорт трахторлари ва тележкалар ажратиб беришга алоҳида эътибор беринг из. Етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ҳамма бригадаларда ўрим-йиғим вақтида ерга тўкилган сўталарни қўлда териб олишни ташкил этингиз.

20 августдан кечикмай маккажўхори ҳосилини йиғиштириб олишга киришиб, уни 10-15 иш кунида тугаллаш чора-тадбирларини ҳозирдан амалга ошириб борингиз. Лавлаги қўшиб экилган маккажўхори дон ҳосилини МТЗ-80 Х ва МТЗ-52 маркали трахторлар билан йиғиштириб олиш ва бунда трактор, комбайн ва тележкаларнинг ғилдираклари пуштага тўғри келиб лавлаги ҳосилини нобуд қилмаслигига алоҳида эътибор беринг из. Маккажўхори донини қуритиш учун асфальтлаштирилган хирмонларни ҳамда сўтадан дон ажратадиган агрегатларни барвақт ҳозирлаб қўйиш ва бу ишларнинг тезлаштириш мақсадида «НИВА» ва «КОЛОС» комбайнларини қайта жиҳозлаб, улардан унумли фойдаланишга эришинг из.

Лавлаги қўшиб экилган майдонларда маккажўхори дони йиғиштириб олингандан сўнг тезда культивация ўтказилиши, эгат олиниши, гектар ҳисобига 40—50 килограмм азот (соф ҳолда) берилиши ва вегетация охиригача 15—20 кун оралиғида 2 марта суғориш ўтказишни таъминлангиз.

Ҳар бир бригада, колхоз ва совхозда етиштирилган ҳосил қатъий ҳисоб-китоб қилиниши, унинг нобуд бўлиши ва бузилишига йўл қўймаслик лозим.

Маккажўхори дон ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий-хўжалик, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишда коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлик ролини оширингиз.

Азиз ўртоқлар!

Дон етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш юзасидан мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган социалистик мусобақага қўшилиб, 1980 йилда маккажўхоридан юқори ҳосил етиштиришга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан зиммамизга олган юксак мажбуриятларни ҳар бир бригада ва хўжаликда муддатидан олдин сўзсиз бажарилишини таъминлашга, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ва жонажон коммунистик партиямизнинг бўлажак XXVI съездини областимизнинг барча қишлоқ меҳнаткашларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга чақирамиз.

МУРОЖААТ 1980 ЙИЛ 26 МАРТДА ОБЛАСТЬ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИ СЛЕТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ҒОЛИБЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРИНИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИНИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ШУҲРАТИ КИТОБИГА ЁЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганликлари ҳамда 1979 йилги иқтисодий ва социал ривожлантириш планини муваффақиятли бажарганликлари, маданият, фан ва техника соҳасидаги жуда катта муваффақиятлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Меҳнат шуҳрати китобига ёзилсин:

I. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё ва Тошкент областлари.

II. Шаҳарлар ва районлар (дипломлар ҳам берилади):

Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Тошкент шаҳарлари, Оқолтин, Бўз, Бўка, Ғижduвон, Дўстлик, Калинин, Қарши, Косонсой, Ленин йўли, Самарқанд, Ўзбекистон, Хонқа, Хўжайли районлари.

III. Коллективлар (дипломлар ҳам берилади):

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бухоро пахта тозалаш заводи;

Маҳаллий саноат министрлигига қарашли «Октябрь 40 йиллиги» номли Бухоро зардўзлик буюмлари фабрикаси;

«Ҳурмат Белгиси» орденли Ўзбекистон нефть ва газ кидириш ишлаб чиқариш-геология бирлашмаси (Қарши шаҳри);

Самарқанддаги ёғут ишлаб чиқариш саноат бирлашмаси;

Ўрта Осиё темир йўли;

Октябрь революцияси орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи;

Оҳангарондаги «Сантехлит» заводи;

Ўрта Осиё кўмир қазиш ишлаб чиқариш бирлашмаси (Тошкент шаҳри);

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигига қарашли «Илғор» якка буюртма ва пойафзал ремонти ишлаб чиқариш бирлашмаси (Тошкент шаҳри);

«Главташкентстрой»га қарашли Тошкентдаги «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати;

Тошкентдаги 4-нон маҳсулотлари комбинати;

Тошкентдаги шампан винолари заводи;

Чиноз район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмаси;

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлигига қарашли Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги номли «Ҳурмат Белгиси» орденли 2-йўл қурилиш бошқармаси (Бордонқўл поселкаси);

(Давоми 3-бетда).

17 МИНГ БОШДАН ОРТИҚ ҚЎЗИ ОЛИНДИ

Совхозимиз коллективи қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Шу туфайли чўпонларимиз қўзи олиш топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Соқлиқлардан пландаги 16825 бош ўрнига 17120 бош қўзи олинди.

Илғор чўпонларимиз ёса қўзи олиш юзасидан ўнинчи беш йилликнинг якуловчи йилида зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар. Айниқса П. Мусиров ва А. Оғибоевлар юқори натижага эришдилар. Улар отарларидаги ҳар 100 бош совлиқдан 132—135 тадан қўзи олишга муваффақ бўлишди. Чўпонлардан С. Сериев, Қ. Жамилов, С. Тошкенбеков, Ю. Бакиров, С. Маъзумов ва бошқалар ҳам ҳар 100 бош совлиқдан 120—130 тадан қўзи олиб, ўз сўзларининг устидан чиқдилар.

Хўжалигимиз чорвадорлари бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 112 тадан, жами 20050 бош қўзи олишга аҳд қилганлар. Улар қўзилатиш мавсумини қизғин давом эттиришяпти. Айни пайтда улар баҳорги жун қирқишни ҳам бошлаб юборишди.

Совхозимиз коллективи бу йил зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатдан илгари бажариш учун барча чораларни кўрадилар. Улар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1980 йилда дағал ва шираздор емхашак етиштиришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини ошириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорига жавобан қўйлар қишловига зарур миқдорда озуқа жамғариб, қўйишга ҳам қатъий қарор қилишган.

Р. САЪДУЛЛАЕВ,
Чиноз районидаги Жамбул номли совхозининг директори.

ДАЛАЛАР ЧОРЛАЙДИ

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози дала меҳнаткашлари экиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўраётирлар. Ҳозирги кунларда хўжаликда далаларни экишга тайёрлаш жадал суръатларда олиб борилаяпти. Бу ишга етарли миқдорда техника воситалари ва ишчи кучи ажратилган.

Кўп ўтмай совхоз механизаторлари далаларга 57 экиш агрегатини олиб чиқадилар. Бу техника воситалари ҳозир ишга шай турипти.

Баҳорги дала ишларида совхознинг 5-бўлими коллективи намуна кўрсатяпти. Бу бўлимнинг К. Худойбердиев, Р. Давлетовлар бошлиқ бригадаларида далаларни чигит экишга тайёрлаш инҳоясига етмоқда.

Ш. СИДДИҚХЎЖАЕВ.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари давлатга гўшт сотиш бўйича ярим йиллик планни муддатидан илгари ўринладилар. Эл дастурхонига 637,2 центнер гўшт тортиқ қилишди. Давлатга гўшт сотиш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 197 центнерга ёки 44,8 процентга ортди.

Гўшт етиштириш ва давлатга сотишнинг кўпайтирилиши бўрдоқига қўйилган молларни намунали боқиб, жадал семиртириш самарасидир. Гўшт учун давлатга топширилган ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 435 килограммга тўғри келди.

М. ПЕЙСЕНОВ.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛҒОРЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1979 йилда дон, пахта ва бошқа хил деҳончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича план ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги шавкатли меҳнати ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган улкан муваффақиятлари учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

«ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Аширбоева Умриниса — Оҳангарон районидаги Куйбишев номли совхоз ишчиси.

Бобожонов Ҳамроқул — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози бригада бошлиғи.

Бобоев Бекмурод — Бўка районидаги «Бўка» совхози бригада бошлиғи.

Бобоева Назира Сунгатовна — Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг машинисти.

Бозорбоева Омила — Оржоникидзе районидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози ишчиси.

Боймақулов Серикбой — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози тракторчиси.

Боймирзаев Қўчқор — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози сувчиси.

Болтабоева Гулнора Шомирзаевна — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Барабохин Михаил Фёдорович — Тошкент область халқ контроли комитетининг инспектори.

Ботиров Қаршибой — Пискент районидаги Тельман номли колхоз бригада бошлиғи.

Ботирова Инобат — Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Бегматов Илҳом — Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхози бригада бошлиғи.

Безгунов Бекир — Бекобод районидаги «Ленинград» совхози бригада бошлиғи.

Бейсенов Абибулла — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз тракторчиси.

Белоусова Лидия — Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхоз аъзоси.

Бердибоева Малика — Коммунистик районидаги Энгельс номли совхоз ишчиси.

Бердимуродова Холбуви — Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози ишчиси.

Бериқбоев Абдашим — Оққўрғон районидаги Охунбоев номли колхоз аъзоси.

Беркинбоева Дариха Ойнабековна — Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Буйнсақова Марҳамат — Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси.

Боровой Владимир Андреевич — Ғалаба районидаги Киров номли колхоз участка механиги.

Бузирников Йўлдош Алимович — Бўстонлиқ районидаги «Қизил туғ» колхозининг автомобиль ҳайдовчиси.

Бўрибоев Турдали — Чиноз районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Вельганенко Анна Алексеевна — «Ўзплодоовощвинпром» аграр саноат бирлашмасининг Тошкент область богдорчилик, узумчилик совхози трести бўлим бошлиғининг ўринбосари.

Ғаниboев Далавой — Коммунистик районидаги «Коммунист» совхозининг ишчиси.

Ғиёсов Султон — Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз раиси.

Ғуломхўжаева Тожихон — Пискент районидаги Охунбоев номли колхоз аъзоси.

Ғуломов Акмал — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг участка агрономи.

Ғуломова Собира — Калинин районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Гусева Маргарита Олеговна — Оҳангарон саноат қурилиш материаллари техникумининг талабаси.

Даверов Тожибой — Халқ депутатлари Бўстонлиқ район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Дадабоев Раҳимжон Дадабоевич — Бўка районидаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг директори.

Дадажонов Элйигит — Чиноз районидаги Навоий номли колхоз бригада бошлиғи.

Дадаматов Тўхтамурод — Тошкент районидаги сабзавотчилик-полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти экспериментал хўжалигининг бригада бошлиғи.

Дониёрова Олмагул — Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Жавҳаров Нурвохит Тожибоевич — Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича Тошкент область давлат инспектори.

Жалилов Анорбой — Бекобод районидаги «Далварзин» совхози тракторчиси.

Жамолов Санд Бахтович — Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози тракторчиси.

Жамолова Иззат — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози аъзоси.

Жуманов Абдуғаппор — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози звено бошлиғи.

Жуматоева Осиё — Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоз аъзоси.

Жўраев Ислом — Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози сувчиси.

Дисломова Зайнаб — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Дуйсенбоев Сарсенбой — Бўка районидаги «Бўка» совхози звено бошлиғи.

Душабоев Эргаш — Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXП съезди» колхозининг аъзоси.

Егай Алексей Дмитриевич — Оҳангарон районидаги Будённий номли совхоз бўлими бошқарувчиси.

Ералиева Жузук — Бўка районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Жўрашев Қашқар Наримбетович — Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз бригада бошлиғи.

Жумаев Зоир Шокирович — Ўрозбоев номли Тошкент механика ва зилзилабардош иншоотлар институтининг кичик илмий ходими.

Зарипов Маъмур — Бўка районидаги «Ленин йўли» колхози сувчиси.

Зоитова Насиба — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози ишчиси.

Зулпиқоров Йўлдош — Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетаси 50 йиллиги» совхози ишчиси.

Зуҳуров Муҳитдин — Калинин районидаги «Москва» колхози аъзоси.

Иброҳимова Ойша — Пискент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзоси.

Иброҳимова Роби — Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози звено бошлиғи.

Эргашев Рашид — «Госкомсельхозтехника» Бекобод район бирлашмаси слесари.

Эргашев Шуҳрат Салимбоевич — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози тракторчиси.

Когай Моисей Тхмеевич — Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институтининг бўлим бошлиғи, Ўрта Чирчиқ райони.

Исоқжонов Шокир — Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози тракторчиси.

Исоқова Холбуви — Оҳангарон районидаги «Октябрь» совхози ишчиси.

Исломов Асом — Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими, Калинин райони.

Исломов Маҳатдин — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози бригада бошлиғи.

Исмоилов Раҳимжон — Коммунистик районидаги «Правда» колхози шофёри.

Исматов Тошматилла — Калинин районидаги «Қорасув» совхози тракторчиси.

Исроилов Убайдулла — Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз раиси.

Қолдибоев Абдуҳолиқ — Бўстонлиқ районидаги К. Маркс номли колхоз тракторчиси.

Кан Григорий — Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхози аъзоси.

Қорабоев Аҳматжон — Тошкент районидаги Навоий номли колхоз бригада бошлиғи.

Қорабоева Кумуш — Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Қорақулов Қодир — Халқ депутатлари Далварзин қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси, Бекобод райони.

Каримбоев Зокир — Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози сувчиси.

Каримбердиев Ҳамидулла — Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича Оржоникидзе район бош давлат инспектори.

Каримов Гофур — Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз тракторчиси.

Карлина Наталья Ивановна — Тошкент область сугориш шоҳобчалари бошқармасининг бош инженери.

Қаршибоев Нурмат — Оҳангарон районидаги Куйбишев номли совхоз бригада бошлиғи.

Қосимов Раҳим Носирович — Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси ер тузиш партиясининг бошлиғи.

Қаҳрамонова Тожи — Бекобод районидаги Навоий номли колхоз аъзоси.

Қаҳрамонова Фотима — Янгийўл районидаги «Интернационал» колхози аъзоси.

Қаюмова Зеби — Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Кенжаева Саодат — Бекобод районидаги Мавлонов номли совхоз ишчиси.

Ким Людмила — Ғалаба районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Ким Владимир — Халқ депутатлари Коммунистик район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бош инженери.

Қирғизбоев Ўтар — Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхози тракторчиси.

Қобилов Тожи — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз бригада бошлиғи.

Қобулов Рисқидин Бобораҳимович — Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхози тракторчиси.

Когай Моисей Тхмеевич — Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институтининг бўлим бошлиғи, Ўрта Чирчиқ райони.

Қодирова Иноят — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Қодирова Қизларгул Отабоевна — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Қўзиева Гулбаҳрам — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Қолдасова Зеби — Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхоз ишчиси.

Коростелева Зоя Алексеевна — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинисти.

Қўзибоева Маҳсуда Мусаевна — Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозининг ишчиси.

Кулетов Иброҳим Турлибекович — Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз тракторчиси.

Кулчинова Тўхташ — Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси.

Куролова Қурбонгул — Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз аъзоси.

Қурбонова Хўри — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Қўчқорова Рихси — Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Ли Ольга — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзоси.

Ли Сергей Федорович — Халқ депутатлари Оққўрғон район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг инженери.

Литовченко Вера Ивановна — Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводи ишчиси.

Маждон Тўрамурод — Калинин районидаги «Бўзсув» совхози ишчиси.

Мамасолиев Ёрмат — Янгийўл районидаги мебель фабрикасининг бюро бошлиғи.

Маматова Улбўсин — Ғалаба районидаги Димитров номли колхоз аъзоси.

Маматхолиқов Маматкарим — Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз раисининг муовини.

Мамбеталиева Жамила — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.

Маманов Саидакбар — Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози механизатори.

Манзулов Аҳмад — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози сувчиси.

Матқосимова Жумахон — Оҳангарон районидаги С. Раҳимов номли совхоз ишчиси.

Маҳаматқулов Нуритдин — Халқ депутатлари Чиноз район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг инженери.

Маҳкамова Турди — Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози ишчиси.

Маҳмудов Эргаш — Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози тракторчиси.

Мизёров Эркин — Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхози тракторчиси.

Миниров Имомиддин — Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз раисининг муовини.

Мирвоҳобов Абдувоҳит — Чиноз районидаги «Москва» колхози бригада бошлиғи.

Мирзаахмедова Санобар Тожиевна — Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Мирзақулов Муҳитдин — Бекобод районидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди нинг бошлиғи.

Мирзақулов Уммат — Халқ депутатлари Оққўрғон район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Мирзаҳолова Жонон — Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози ишчиси.

Миромонов Ўктам — Бўстонлиқ районидаги Калинин номли совхоз бригада бошлиғи.

Мирсовуров Миркарим Мирсолиевич — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг бўлим инструктори.

Морозова Людмила Васильевна — Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва механизациялаш илмий-текшириш институти экспериментал заводининг бригада бошлиғи, Янгийўл райони.

Музаффаров Ўлмас — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози раисининг муовини.

Муллаёрова Зеби — Пискент районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

Муминов Абдуҳалил — Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг инструктори.

Мўминов Ҳамиджон — Тошкент область сугориш шоҳобчалари бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Муртазоева Олима — Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози ишчиси.

Мусабекова Карима — Калинин районидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхози ишчиси.

Мусаев Раҳим — Калинин районидаги «Москва» совхози тракторчиси.

Мустафоев Аллаз — Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз тракторчиси.

Мўталиев Турдиқул — Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхози бригада бошлиғи.

Муталхонов Асанхон — Калинин районидаги Охунбоев номли совхоз бригада бошлиғи.

Муҳамедов Исроил — Ўсимликларни ҳимоя қилиш Тошкент район ишлаб чиқариш отряди нинг бошлиғи.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг 15, 19, 20, 21, 25, 26 ва 29 март сонларида).

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙ

СОФИЯ. Болгария студентлари шонли юбилейни тантанали йиғилишлар ва митинглар билан нишонладилар. Бундан ярим аср муқаддам, 1930 йилнинг 30 мартида Софияда Болгария умумхалқ студентлар иттифоқининг таъсис конференцияси бўлиб ўтган эди. Студентлар союзи Болгария Компартиясининг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида тузилган прогрессив демократик антифашист ташкилотдир.

Ташкилот аъзолари студент ёшлар ўртасида коммунистик ғояларни пропаганда қилиш учун ташкилотни Коммунистик партия теварагида жипслаштириш учун актив кураш олиб бордилар. Иттифоқ стачкалар, митинг ва намойишлар ўтказди.

Иттифоқнинг жаҳонда биринчи социалистик давлат — СССРни қўллаб-қувватлаганлиги унинг тарихида энг шонли саҳифалардан бири бўлди. Иттифоқ аъзолари Совет Иттифоқига қарши буржуазиянинг ёлғон ва туҳматларини фош этдилар, Советлар мамлакати тўғрисидаги ҳақиқатни халққа етказдилар, совет фани ва маорифининг муваффақиятларини, Ленин комсомолининг ҳаётини оммалаштирдилар. (ТАСС, 31 март).

ҚЎШМА БАЁНОТ

ДЕҲЛИ, 31 март. (ТАСС). Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия комитетининг Раиси Ясир Арафатнинг Ҳиндистонга қилган уч кунлик расмий визити якунлари тўғрисида бу ерда қўшма баёнот эълон қилинди.

Я. Арафатнинг Ҳиндистон Бош министри И. Ганди билан музокаралари ғоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди, дейилади баёнотда. И. Ганди Ҳиндистоннинг принципиал позициясини яна таъкидлаб айтдики, Яқин Шарқ проблемасини ҳал этишга доир ҳамма музокараларда тенг ҳуқуқли вакил сифатида Фаластин Озодлик Ташкилоти қатнашган тақдирдагина адолатли тинчлик бўлиши ва Яқин Шарқ проблемаси кенг кўламда ҳал этилиши мумкин. Бундай қарор Исроил қўшинларини босиб олинган араб ва Фаластин ерларидан, шу жумладан Қуддусдан батамом олиб чиқиб кетишга, Фаластин халқининг ўз юртига қайтиб келиш, ўз тақдирини ўзи белгилашга эришиш ва Фаластинда мустақил давлат қуриш имкониятига эга бўлишига асосланмоғи керак.

Шу муносабат билан, деб уқтириб ўтилади ҳужжатда, блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Гаванада бўлиб ўтган олтинчи конференциясида Яқин Шарқ хусусида қабул қилинган резолюциялар муҳим эканлигини томонлар таъкидлаб ўтдилар. Томонлар БМТ резолюциясини назар-писанд қилмаётган Исроилнинг позициясини, унинг босиб олинган жанубий Ливан ерларидаги агрессив экспансиячилик сиёсатини, Исроил мансилгоҳларни қурилаётганлигини, босиб олинган территориялардаги табиий ресурслардан фойдаланаётганлигини қораладилар.

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ТЕҲРОН, 31 март. (ТАСС). Теҳрон радиосининг хабар қилишича, Швейцариянинг Теҳрондаги элчихонаси орқали Эрон ташқи ишлар министрлигига АҚШ президенти Ж. Картернинг Ислом революциясининг раҳнамоси оятилло Хумайнига йўллаган мактуби топширилган. Хумайни маҳкамаси бу мактубнинг мазмунини Эрон халқига етказишга қарор қилди.

Картер ўз мактубида жўда кескин халқаро вазият «ўтмишда ҳаммамизни хатоларга йўл қўйишга мажбур қилди», деб айтган. Яна шу нафса айтиладики, собиқ шоҳ гўё «инсонпарварлик туйғуларига амал қилиб ва даволаш учун» АҚШда қабул қилинган ва шоҳ «ўзининг шахсий қарорига биноан» Панамадан Мисрга келган эмиш. Картернинг даъво қилишича, АҚШ гўё «шоҳга Мисрда бошпана бериш тўғрисида Садат билан шоҳ ўртасида олиб борилган музокараларга сира ҳам дахлдор эмас» эмиш.

Ўша хабарларга кўра, мазкур мактуба Картернинг сўзларига қараганда, Эрон томонининг АҚШ билан Эрон ўртасидаги мавжуд проблемаларни кўриб чиқиш учун икки томонлама комиссия тузиш тўғрисидаги таклифига розилик билдирилган.

ВАШИНГТОН, 31 март. (ТАСС). Ж. Картер мактубининг тўла тексти Теҳронда босиб чиқарилгандан кейин Оқ уй баёнот бериб, унда даъво қилинишича, «президент бундай мактубни Хумайнига ҳам, бошқа бирон-бир кишига ҳам юборманган».

ТЕҲРОН, 31 март. (ТАСС). Оқ уй вакилининг баёноти муносабати билан Теҳрон радиоси қуйидагиларни таъкидлайди: «Ғарб дипломатияси ёлғон-яшиқ ва айёрликлар билан тўлиб-тошган. Шу боисдан Хумайни маҳкамаси Картер мактубини эълон қилганлиги уларнинг ҳаммасини доғда қолдирди».

ГРАЖДАНЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ УЧУН

ВАШИНГТОН. АҚШ маъмурлари Америка гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўпол равишда паймол қилмоқдалар, мамлакатда бошқача фикр юритувчи ҳар бир кишини шафқатсиз жазоламоқдалар. Америкаликларнинг граждалар тенг ҳуқуқлилиги учун курашига бағишланиб бу ерда ўтказилган жамоатчилик конференциясининг асосий мазмуни шундан иборат эди. Конференцияда АҚШнинг таниқли— сиёсий ва жамоат арбоблари, шу жумладан конгресс аъзоси Ж. Каньерс, Гарвард университетининг профессори Д. Белл, Африка тадқиқот марказининг директори Ж. Тернер қатнашди.

Нотиқлар ҳозирги вақтда АҚШда ўзининг граждалик ҳуқуқлари ва эркинликларини қаттиқ туриб ҳимоя қилганлиги учунгина турмаларга ташланган минглаб сиёсий маҳбуслар борлигини яқдиллик билан айтдилар. Маъмурлар аввало шармандали ирқий камситиш тугатилишини, урушга қарши ҳаракат иштирокчиларини, маъмурияткинг қуролланиш пойгасини янада кучайтиришдан иборат сиёсий йўлига қарши норозилик билдираётган кишиларни, шунингдек бошқа прогрессив ташкилотларнинг аъзоларини таъқиб этиш тўхтатилишини талаб қилаётган майда миллатлар вакилларини жазоламоқдалар.

(ТАСС, 31 март).



ЯПОНИЯДА милитаристик тайёргарликни кучайтириш ҳамда япон-америка ҳарбий иттифоқининг мустаҳкамланишига қарши норозилик ҳаракати кучайиб бормоқда. Кўпгина шаҳарларда намойишлар ва митинглар бўлиб турипти. Илғор жамоатчилик Японияниг «ўз-ўзини мудофаа қилиш кучларини»га қарашли кемалар Тинч океани зонасида, АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландия ҳарбий денгиз кучлари билан биргаликда ўтадиган кенг миқёсдаги машқларда қатнашувини кескин қораламоқда.

Суратда: Йокосука шаҳрида Японияниг ана шу машқларида қатнашувини қораловчи пикетация остида имзо чекилмоқда.

Жапан пресс — ТАСС фотоси.

Бедодлик ва зўравонликка қарши

АММОН. Босиб олинган араб территорияларининг аҳолиси ва Исроилдаги араблар «Юртни ҳимоя қилиш куни»ни нишонладилар. Исроил хавфсизлик кучлари бундан 4 йил муқаддам шу куни Исроилнинг шимолий қисми Галилейда араблар ерининг мусодара қилинишига қарши ўтказган оммавий норозилик намойиши иштирокчиларини ўққа тутган эдилар. Шундан бери ҳар йили 30 март куни Тель-Авив ўтказиб келаётган бедодлик ва зўравонлик сиёсатига қарши курашаётган араб халқи билан бирдамлик куни сифатида нишонламоқда.

Исроил маъмурлари шу муносабат билан хавфсизлик чораларини кучайтирдилар. Шаҳарларда соқчилар сони кўпайтирилди ва босиб олинган территорияларнинг йўларида армия солдатларидан иборат назорат-пропуск пунктлари кўпайтирилди.

(ТАСС, 31 март).



КАМПУЧИЯ Халқ Республикасида тинч, нормал ҳаёт изга тушиб бормоқда. Юз минглаб шаҳарликлар, қишлоқ аҳолиси қадрдон жойларига қайтиб келмоқдалар. Улар олдида янги, мустақил Кампучиянн қуришдек мураккаб вазифа турипти. Аммо, улар келажакка ишонч билан қарашмоқда.

ЧТК — ТАСС фотоси.

Ҳ. АСАДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДАМАШҚ, 31 март. (ТАСС). Сурия президенти Ҳафиз Асад Кэмп-Дэвид битими катнашчиларининг арабларга қарши режаларини кескин танқид қилди. У бу ерда ўтказилган ҳарбий машқларда иштирок этган Сурия армиясининг солдатлари ва офицерлари ҳузурида нутқ сўзлаб, қуйидагиларни айтди: Қўшма Штатлар ва Исроил Сурияни агрессор билан ўтказиладиган таслимчилик музокараларига жалб этиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб, маҳаллий реакция кучларига таянган ҳолда мамлакатда ички қийинчиликларни келтириб чиқаришга уринib кўрдилар. Душманлар уларнинг ёрдамида Сурияни у эгаллаб турган принципиал ватанпарварлик позицияларидан чекинишга мажбур қилишга умид боғладилар, аммо бу фитнани халқ фош қилиб ташлади. Империалистлар, сионистлар ва реакционерларнинг умидлари пучга чиқди.

ТОН ДИК ТХАНГ ВАФОТ ЭТДИ

ХАНОЙ, 30 март. (ТАСС). ВКП Марказий Комитети, ВСР миллат мажлисининг доимий комитети ва ҳукумати, Вьетнам Ватан фронти президиумининг Марказий Комитети ВСР президенти Тон Дик Тханг бугун Ханойда 92 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

Тон Дик Тханг — атоқли ватанпарвар, матонатли коммунист, Вьетнам ишчилар синфи ва деҳқонларининг раҳбари, Хо Ши Мининнинг яқин жанговар дўсти ва сафдоши, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг актив арбоби бўлиб, ўзининг бутун кучи ва ғайратини мамлакатнинг миллий озодлиги ва бирлиги ишига, Вьетнамда социализм қурилиши ва уни ҳимоя қилиш ишига сарфлаб келди, дейилади ҳабарда.

ҒОЛИБЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

(Боши 2-бетда).

Қўқондаги «Ҳурмат Белгиси» орденли нон комбинати;

Фарғонадаги материал-техника таъминоти универсал бошқармаси;

Қува район матлубот жамиятлари союзи;

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли Қорақалпоғистон юкларни марказлаштирилган тарзда ташиш автомобиль трести (Нукус шаҳри);

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 162-қурилиш трести (Андижон шаҳри);

«Андижанводстрой» трести;

19-«Кашкадарьясельстрой» қурилиш трести;

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 10-қурилиш трести (Наманган шаҳри);

26-қурилиш трести (Жарқўрғон шаҳри);

«Сельтрансспецстрой» трести (Тошкент шаҳри);

«Ташсантехгазмонтаж» трести (Тошкент шаҳри);

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «Гордорстройремонт» трести;

Фарғонадаги «Облколхозстрой» трести;

«Приаралводстрой» трести (Нукус шаҳри);

«Қарақалпакирсовхозстрой»нинг қурилиш бошқармаси (Нукус шаҳри);

Андижон областининг Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхози;

Пешку районидаги «Москва» колхози;

Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози;

Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози;

Пастдарғом районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Маркс номли колхоз;

Пахтачи районидаги С. М. Киров номли колхоз;

Комсомол районидаги «Коммунизм» колхози;

Янгийўл районидаги Х. Турсунқулов номли колхоз;

Коммунистик районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Политотдел» колхози;

Киров районидаги «Москва» колхози;

Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Н. Нариманов номли колхоз;

Амударё районидаги «Партия XXII съезди» колхози;

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози;

Дўстлик районидаги В. И. Ленин номли совхоз-техникум;

Косон районидаги «Косон» совхози;

Поп районидаги Ленин орденли В. И. Ленин номли совхоз-техникум;

Пастдарғом районидаги «Пастдарғом» богдорчилик ва узумчилик совхози;

Қумқўрғон районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхози;

Сариосиё районидаги Октябрь Революцияси орденли «Коммунизм» совхози;

Оқолтин районидаги «Фарғона» совхоз-техникуми;

Нишон районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводи;

Жарқўрғон районидаги Г. С. Зайцев номли Бутуниттифоқ гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтига қарашли А. И. Автономов номли «Сурхон» тажриба хўжалиги;

Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхози;

Хонқа районидаги Алхоразмий номли совхоз;

Кегайли районидаги Матекe Жуманазаров номли совхоз;

IV. Ишлаб чиқариш илғорлари, маданият, фан ва техника арбоблари (гувоҳнома ҳам берилади):

Абдурашитов Мажит — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Чирчиқдаги 93-ихтисослаштирилган трестга қарашли «Промтехмонтаж» монтаж бошқармаси слесарь-монтажчилар бригадири;

Акромхўжаев Обид Муротович — СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, нефть ва газ конлари геологияси ва уларни разведка қилиш институтининг директори;

Алимуҳамедов Неъмат Ҳусанович — СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори;

Орифжонова Умри — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Жиззах областининг Жиззах районидаги «Москва» колхози бригадири;

Бобожонов Тошўлат Лепесович — СССР Давлат мукофоти лауреати, дала ва кон геофизикаси идорасининг директори;

Гоипов Рўзимат Гоипович — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари;

Довбня Михаил Иванович — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Хорезмводстрой» трестига қарашли Урганч қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаватор машинисти;

Ерекеев Раҳим — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё районидаги Энгельс номли колхоз тракторчиси;

Иброҳимов Абдужаббор — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон нефть ва газ разведкаси ишлаб чиқариш геология бирлашмасининг бош геологи;

Ильин Владимир Давидович — СССР Давлат мукофотининг лауреати, Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот геология-разведка нефть институтининг мудири;

Исоқова Мунаввар — СССР Давлат мукофоти лауреати, Тошкент область Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг машинада сут соғиш оператори;

Назаров Шамси — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Самарқанд областининг Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси;

Сулаймонов Абдусаттор — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент областининг Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози звено бошлиғи;

Таль-Вирский Борис Борисович — СССР Давлат мукофоти лауреати, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети кафедраси мудири;

Томский Николай Васильевич — СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ рассоми;

Тўлаганов Ҳабибулла Тўлаганович — СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР геология министри;

Турғунов Абдувоҳоб — СССР Давлат мукофоти лауреати, Наманган областининг Задарё районидаги «Гигант» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи;

Ҳожиматов Абдулло — СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон нефть ва газ разведкаси ишлаб чиқариш-геология бирлашмаси Муборак нефть ва газ разведка экспедициясининг пармалаш мастери;

Цховребов Григорий Иванович — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг самолёт командири;

Шербобоев Парда — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қашқадарё областининг Шаҳрисабз районидаги «Социализм» колхози бригадири;

Эргашев Сафар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Самарқанд областининг Пахтачи районидаги Охунбоев номли колхоз бригадири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ОЛОВЛИ ИЛЛАРНИ ЭСЛАБ

БУЮК ғалабанинг 35 йиллиги олдидан уруш ветеранлари билан ёш авлоднинг учрашуви яхши анъанага айланиб қолди. Оҳангарон районидаги бу хилдаги тематик кечалар, суҳбатлар тез-тез уюштирилиб турилибди. Яқинда уруш ветеранларидан бир группаси райондаги махсус ҳунар-техника билим юрти талабалари ва цемент заводининг ёш ишчилари ҳузурида меҳмон бўлишди. Ветеранларнинг оловли йиллар ҳақидаги суҳбати жуда қизиқарли бўлди.

4-мактаб ўқувчилари ҳузурида эса Улуғ Ватан уруши ветеранларидан И. Эргашев ва А. Мадраҳимовлар ташриф буюришди. Собиқ жангчилар ўзлари босиб ўтган йўлни ёшларга мароқ билан ҳикоя қилишди.

Районда ўтказилаётган бундай учрашувларга катта тайёргарлик кўрилияпти. Деворий газеталарда, фотомонтажларда халқимиз уруш йилларида кўрсатган жасорат акс эттирилган. Табийки, бундай учрашувлар ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнамоқда.

КАНИКУЛ ҚУВОНЧЛАРИ

МАКТАБ ўқувчиларининг каникуллари қизиқарли ва сермазмун ўтаётир. Ўқувчиларнинг мириқиб дам олишлари учун бир қатор ташкилотлар тайёргарлик кўрдилар. Жумладан, Тошкент экскурсия ва саёҳатлар бюроси ходимлари ёшларнинг саёҳатини уюштирдилар.

Бир группа ўқувчилар самолётда ҳушманзара Сочи ва Гагра шаҳарларига йўл олишди. Туристик поездлар эса Иттифоқимизнинг йирик шаҳарлари бўйлаб маршрутга чиқдилар. Конфортабелли автобусларда мактаб ўқувчилари қадимий ва навқирон Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди. «Дилором» туристик поезди ҳам ёшлар хизматида бўлди.

Саёҳатга чиқиш Тошкентдаги 39, 110, 140, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли, «Ленин йўли» колхози территорияларида жойлашган мактабларда, яхши йўлга қўйилган.

ТОКАРЬ ЎРНИГА ОПЕРАТОР

— БУ ишчиларни энди токарь деб бўлмайди,—деди участка бошлиғи П. Кнауэр. Улар анъанавий токарлик маҳсулотларини тайёрлаётган бўлсалар-да, энди бу кишилар оператор, деб аталади.

Биз Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводининг программа билан бошқариладиган токарлик станоклари группаси ишлай бошлаган участкасидамиз. Бешта шундай мослама унча-мунча токарь удалаюлмайдиган мураккаб буюмларни бемалол тайёрлаб чиқармоқда. Операторнинг вазифаси эса станокнинг ўзини нормал иш билан таъминлашдан иборат. Бунда меҳнат унумдорлиги 30 процент кўпайди. Олдий ускуна билан шу маҳсулотни тайёрлаб чиқариш учун бешта эмас, балки еттита одатдаги станок керак бўларди.

ЯНГИ БОҒЛАР УЧУН

БУТУНИТТИФОҚ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиали янги боғлар ва токзорлар учун кўчат тарқатишга киришди. Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли, «Қибрай» совхозларига кўчатларнинг дастлабки туркуми жўнатилди. Ана шу филиал етиштирган узумнинг янги райондаштирилган «Перлет» нави хўжаликларга, айниқса, манзур бўлмоқда. Унинг доналарида уруғ кам, ғоят ширин.



Суратда: Ғазалкент шаҳар 1-мусиқа мактаби болалар хорининг чиқиши. В. Портнов фотоси.

БАХТИЁРЛАР БАЙРАМИ

Шанба куни республикамиз пойтахтида Ўзбекистон мактаб ўқувчилари VI санъат байрами кўрик-конкурсининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Унда таниқли санъаткорлар, заҳматкаш мураббийлар, санъат ихлосмандлари ва мактаб ўқувчилари иштирок этишди. «Санъат байрами» республикамизда анъанавий санъат кўригига айланиб бормоқда. Бу кўрик болалар ҳаваскорлик коллективлари тўгараклари фаолиятини яхшилашда, нафосат бўстонида бўй кўрсатаётган ёш ҳаваскорлар қалбида ҳавас ва қизиқишни орттиришда, уларнинг санъатнинг ҳар бир тури бўйича қунд ва чидам билан изланишлар олиб боришида катта роль ўйнамоқда. «Бахтли болалигимиз учун жонажон партиямизга раҳмат!» шиори остида ўтган бу «Санъат байрами»га катта эътибор бериб, ғамхўрлик кўрсатаётгани бежиз эмас. Санъатнинг 12 тури бўйича олиб борилган беллашувларда республикамизнинг барча областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР мактаб ўқувчиларининг санъаткорлик иқтидори тобора ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Бу беллашувларда жами 1200 дан ортиқ ҳаваскор иштирок этди. Улар бир неча кун мобайнида Тошкентдаги Пионерлар уйи ва саройлари, музика билим юртлари саҳналарида ўзларининг маҳоратларини намойиш этишиб, жюри ҳайъати ҳамда томошабинларнинг олқишини қозонган 520 нафар ўқувчи I, II, ва III даражали дипломлар, Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

«Санъат байрами» ўқувчиларнинг «Ҳар доим бўлсин қуёш» қўшиғини айтиши билан тугалланди. Улар бир-бирлари билан навбатдаги учрашувга қадар хайрлашдилар.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ.

ЯХШИНИНГ ЧИРОҒИ ЁНИҚ БЎЛАДИ

ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИГА КЎРА

Ҳурматли редакция!

Мен яқинда ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Сен етим эмассан» деб номланган киноповестини ўқиб, жуда таъсирландим. Улуғ Ватан уруши йилларида фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда ҳалок бўлганларнинг етим қолган болаларидан ўн тўрт норасидани — турли миллат ўғил-қизларини ўз тарбиясига олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовнинг оиласи қандай яшамоқда? Болалар нима иш қилишади? Баъзиларининг ота-онаси топилганми?

Ана шулар ҳақида билишни жуда-жуда истар эдим. Умуман элга танилган кишиларнинг кейинги тақдирини билиш ҳамма учун ҳам қизиқарли бўлса керак.

Салом билан Нафиса Ҳусанова,
Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз.

Тошкентлик темирчи Шоаҳмад ота Шомаҳмудовлар катта оиласининг довруғи аллақачоноқ довон ошган. Бугунги кунда бу оилани иттифоқимиздаги каби, чет эл мамлакатларида ҳам яхши билишади. Шоаҳмад отани элга машҳур қилган темирчилик касби эмас, халқнинг бошига оғир мусибат тушган кезларда — Улуғ Ватан уруши йилларида совет кишиларига хос фазилатларни намоён қилганлигидир. Кўнглининг очиқлиги, бағрининг кенглиги, меҳрининг дарёлиги, одамохунлиги ва болажонлигидир.

Дарвоқе, пойтахтдаги катта кўчаларнинг бири Шоаҳмад Шомаҳмудов номи билан аталади. Бу оила кўрсатган жасорат ҳақида жуда кўп ёзилган. Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи, «Сен етим эмассан» киноповести, шу повесть асосида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Сен етим эмассан» номли бадиий фильм томошабинлар ўртасида шуҳрат қозонди.

Киноповестда Маҳкам ака ва Фотима опа, романда эса Маҳкам Аҳмедов ва Меҳринисо образлари орқали тошкентлик темирчи оиласи китобхонларга таништирилади. «Ҳазрати инсон» романида Маҳкам аканинг қуйидаги сўзлари жуда характерлидир:

— Умрим темирчи, — тақачилик билан ўтди. Касбимдан икки дунё розиман. Шу даврда неча минг тақа ясаган бўлсам, тил ёзиқ, шунча отни тақалагандирман. Илло, тақалаган отларимнинг бирортаси қоқилиб, йиқилганини эшитмадим. Қоқилгандиру, имоним комилки, йиқилмаган. Ёшим бир ерга бориб қолганда юртим бошига қулфат тушди. Оғир кулфат. Лаънати фашистлар чиқарган уруш катталарамас, бегуноҳ норасидаларга ҳам чангалини солди. Қараб туролмадик. Баҳоли қудрат шулардан бир нечтасини бағримизга олдик. Энди ликда қурбим етиб, ана шу тойчоқларга ўзим тақа бўла олсам, шулар тоймай, қоқилмай, йиқилмай, юриб кетса, гурс-гурс босган қадамларининг овози қулоғимга кириб турса, дунёдан беармон ўтардим...

Шоаҳмад ота дунёдан бехуда ўтган умр йиллари эмас. Унинг ҳар йили маш аққатли меҳнат, қувончва ташвишлар билан суғорилган. Шунинг учун ҳам Баҳри аянинг тўйида уни ҳар қанча эъзозласа, ҳурматласа арзийди.

Шодиёна кунлар қандай яхши. Онани қутлаш учун барча фарзандлари йиғилиб келишади. Дил сўзлари янграйди. Сўнгра эса марҳум оталари хотираси эсга олинади. Ўша машъум кунлар эсланади. Оналарига бўлган ҳурмат-эътиборлари яна бир карра ортади.

— Буви, бувижон, суюнчи беринг, Зокир амаким ўғил кўрибдилар. Ҳозиргина хушхабар келди. Эвара муборак бўлсин! — Баҳри аянинг олдига бирйўла беш набираси ана шундай хушхабар билан кириб келишди.

— Раҳмат, болаларим. Умри боқий, рихсли-насибали бўлсин! — Қувончини яшира олмаган она кўзига ёш олиб, юзига фотиҳа тортди.

Зокир Баҳри аянинг набираси. Набира бўлганда ҳам энг яқини ва ардоқлиси. Чунки отаси Ҳамидулла ҳам, онаси Муаззам ҳам аянинг ўз фарзанди. Ўша машъум кунларда болалар уйидан келтирилган бу икки гўдак вояга етишгач, бир-бирларига меҳр қўйишди. Чиройли оила қурдилар. Тўрт ўғилли бўлишди. Лекин, отанинг ҳам, онанинг ҳам умри қисқа экан. Бугунги шодиёна кунда фарзандлари қувончига шерик бўла олишмади. Шунинг учун ҳам ая кўзларига ёш олган эди.

Баҳри ая фарзандлари орасида биринчи бўлиб татар боласи Рафиқ Шомаҳмудов бува бўлиш бахтига муяссар бўлди. Ҳозир унинг набираси анча катта бўлиб қолган.

Ҳа, Шомаҳмудовлар оиласи туп қўйиб, палак ёзмоқда. Ўзларидан кўпайишмоқда. Бу даргоҳга келганида олти ёш бўлган молдаван қизи Ольга Проковьевани энди ўзбек аёли Ҳатира Шомаҳмудова деб билишади. Хатира опа катта рўзғорга бош-қош. Фарзандлари вояга етмоқда.

Яҳудий боласи Федя Кульчиновский — Йўлдош Шомаҳмудов олий маълумотли инженер. Ая билан ёнма-ён яшайди. Уларнинг бир қиз ва икки ўғиллари бор. Тўнғичлари Олег ҳарбий хизматчи бўлиш ниятида. У Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги ҳарбий билим юртида таҳсил кўряпти.

Эргашнинг асли исм-фамилияси Саня Бунин. Ўзбек оиласида тарбия топган рус йигити ҳозир Ховост шаҳрида яшаб, меҳнат қилади. Рус болалари Шуҳрат ва Владимир, украин қизи Ҳабиба (Зина Неизвестная). қозоқ қизи Халима, ўзбек фарзандлари Ҳакима ва Қоравой, арман ўғлони Неъматлар ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳатан ҳам ўз фарзандини узоқ юртга кузатиш она учун жуда оғир. Лекин на чора, Ҳаммасига ўша лаънати уруш айбдор. Қолаверса, Раянинг ўзида ҳам шунга мойиллик бор эди.

Бир кун туз ичган жойга, қирқ кун салом, деганларидек Сибирда яшаётган қизи хат йўллаб, аянинг ҳолидан хабар топиб туради. Шуҳрат ва Ҳабибаларнинг ҳам жигаргўшалари топилган. Лекин, улар ўз оналари — Баҳри аяни ташлаб кетишмади. Болаларнинг виждон амри ана шундай бўлди.

Тошкентдаги Жарариқ маҳалласида — Кремлевский кўчасининг Боғ проездидаги биринчи олти хонадонда Шомаҳмудовлар оиласи истиқомат қилади. Баҳри ая Акрамова Шоаҳмад отанинг расми мармар тошга ишланиб осилган. Расм остида рус ва ўзбек тилларида қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

«Бу уйда Улуғ Ватан уруши йилларида 14 миллатнинг етим болаларини тарбияланган темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи яшайди».

Ҳовли саранжом-сариштa. Бу уйда Баҳри ая набираси Тоҳир (Рафиқнинг ўғли) билан бирга яшайди. Баҳри аяга 1963 йилда СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ «Қаҳрамон она» деган юксак унвон берилган. Давлат шахсий пенсия тайинлаган. Фарзандлардан Ҳолида, Ниғмат, Йўлдош, Эргаш, набираси Зокир оналарига қўшни туришади. Улар тез-тез аянинг уйида йиғиладилар.

— Китобларда ёзилганидек, биз етим эмасмиз, — дея укаларининг фикрини ифодалайди Тошкент кўнмўйна заводининг ишчиси Хатира Шомаҳмудова. — Етимлик нималигини билмай ўсдик. Шунинг учун ҳам марҳум отамиз хотирасини ҳамиша ёдда тутамиз. Онамизни эса эъзозлаб ҳурматлаймиз.

Биз Шомаҳмудовлар оиласидан қайтар эканмиз, ҳазрати инсонлар кўрсатган жасоратлари бир-бир кўз ўнгимиздан ўтди. Яхшининг чироғи ўчмайди деган халқ мақолини эсга олдик.

Р. ШЕРАЛИЕВ,
З. МУҲАММАДЖОНОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
2-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ
149-шаҳар ҳунар-техника билим юрти
1980—81 ўқув йили учун
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: мўйнадўз-бичиқчи, тикувчи-мотористка, бичиқчи (чарм пойафзаллар ишлаб чиқариш бўйича), **техника контроли бўлими контролёри, пойафзал бошлиғини тайёрловчи, тикув машиналарининг ремонти бўйича слесарь, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, якка пойафзаллар тикиш бўйича пойафзалчи.**

Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун бир йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун эса 2 йил.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса давлат таъминотида бўладилар (кунига 3 маҳал овқат, кийим-бош).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юрти қошида вокаль-чолғу, бичиш ва тикиш, тўқиш, кино-фото тўгараклари ишлайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза; турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй (16-троллейбус, 84-автобуснинг «Домробод» массиви» бекати), метронинг «Собир Раҳимов» станцияси, Телефон 76-77-45).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси
4-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ
3 класс ҳайдовчиларини тайёрлайдиган
5 ЯРИМ ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган тошкентлик йигитлар қабул қилинади.

Бошқа шаҳарлик ёлғиз йигитлар автотранспорт корхонаси ётоқхонасига пропискадан ўтишлари мумкин.

Стипендия 45 сўм.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Тўёва кўчаси, 205-уй (68-автобуснинг «4-автотранспорт корхонаси» бекати), кадрлар бўлими.

Ўзбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
2 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК
«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Гулсара ЁҚУБОВА
Солистлар: Аҳмаджон ШАРИПОВ, Асқарали ҲИДИРОВ, Олмагул СУИЕРБОЕВА, Ғуломжон ДАДАҲОНОВ, Валентина ПАШКОВА, Урбугул СУИЕРБОЕВА, Мавжудахон БАҲРИЕВА, Клара ҲЎЖАЕВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА.
ЎЗБЕК ҲАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани — Ўғилой ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.
«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар РАҲИМОВА.
Ансамблнинг балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.
Музика раҳбари — Нажот ТЎРАҲЎЖАЕВ.

Спорт

«ДИНАМО» ОЛИЙ ЛИГАДА

Москвадан хушхабар келди. Келгуси мавсумда Тошкентнинг «Динамо» эркаклар волейбол командаси ўз тарихида биринчи бор мамлакат 43 чемпионатининг олий лигасида қатнашади.

Москванинг «Динамо» спорт залида тўрт команда иштирокида давом этаётган ўтиш турнири якунланишига яна икки тур бор. Тошкентлик спортчилар қолган ўйинларининг қандай тугашидан қатъий назар олий лигада қатнашиш ҳуқуқини берадиган икки йўлланманинг бирига сазовор бўлишди. Улар биринчи даврa ўйинларида қаторасига 3 ғалабани қўлга киритишди. Ҳамшаҳарларимиз Олмаотанинг «Дорожник» коллективини 3:2, Минскнинг «Мотор» волейболчиларини 3:0, Петропавловск-Камчатскийнинг «Спартак» командасини эса 3:1 ҳисобида мағлуб этдилар.

Иккинчи давраниг биринчи учрашувида спортчиларимиз «Мотор» командасини 3:1 ҳисобида енгишди.

Иваново шаҳрида эса 1962—63 йилларда тўпланган қизлар ўртасида волейбол бўйича СССР биринчилиги иҳтисосига етди. Мусобақаларда Тошкентнинг «Спартак» командаси республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилди. Ўзбекистонлик қизлар барча ўйинларни уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳурмат шоҳсупасининг биринчи погонасига кўтарилдилар.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Мамлакат биллур соврини учун мусобақаларни давом эттирадиган коллективлар маълум бўлди. Булар Тбилиси ва Киевнинг динамочилари, «Спартак» ва «Шахтёр» коллективларидир. Ўтган якшанба куни ўтказилган чорак финал бахсларда қуйидаги натижалар қайд қилинди. «Динамо» (Тб) — «Пахтакор», 2:1, «Динамо» (К) — «Динамо» (М) — 2:0, «Спартак» — «Арарат» 1:0, «Шахтёр» — «Торпедо» 2:0.

Фақат бир учрашувда — «Динамо» ва «Пахтакор» баҳсида ғолиб команда икки соатли ўйинидан сўнг мазлум бўлди.

Аввалига пахтакорчи Нуриддин Амриев ўз командасини олдинга олиб чиқди. Лекин, майдон эгаларининг кетма-кет уюштирган ҳужумлари ўз самарасини берди. Асосий вақт тугашига тўрт минут қолганда ҳужумчи Челебадзе ҳисобни тенглаштирди.

Мусобақа низомига кўра ҳар бири ўн беш минутлик қўшимча икки тайм белгиланди. Бунда майдон эгаларининг кўли баланд келди. Шуни қайд қилиш керакки, гарчи имконият бой берилган бўлсада, пахтакорчилар ўзга майдонда номдор рақибга қаршн жуда чиройли ўйин кўрсатишди.

Кеча футбол бўйича биринчи лига командалари ўртасида СССР чемпионатининг байроқларни кўтарилди. Бу эшелонда иттифоқимизнинг 24 коллективи олий лигага йўлланма олиш учун куч синашадилар. Маълумки, биринчи лигада Жиззахнинг «Бўстон» командаси ҳам иштирок этади.

Жиззахлик футболчилар биринчи турда Симферополнинг «Таврия» командасини қабул қилишлари керак эди. Лекин, улар чет эл сафарида бўлганликлари туфайли бу учрашув кечиктирилди.

Иккинчи лига 6 зона командалари ўртасида учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Учрашув натижалари қуйидагича. «Янгиер» — «Зарафшон» — 0:0, «Соҳибкор» — «Пахтакор» (Қўрғонтепа) — 2:0, «Нефтянник» — «Шаҳрихончи» 2:0; «Ёшлик» — «Пахтачи» — 3:1, «Автомобилист» — «Хўжанд» —1:0, «Амударё» — «Хоразм» — 3:0, «Динамо» — «Наримоновчи» — 4:0.

Уч турдан сўнг олти очко тўплаган «Нефтянник» пешқадамлик қилмоқда.



Ўрта Осиё регионал гидрометеорология институти коллективи Ўрта Осиё республикалари об-ҳавосини олдиндан билиш, иқлим карталарини яратиш борасида катта илмий ишлар олиб бормоқда. Суратда: институт ҳузуридаги «Тошкент — обсерватория» станциясн ҳисоблаш марказн ходимларидан инженер Э. Серебрякова билан оператор Р. Титовалар иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.



Ксения Кирилловна Пономарева Чоткол геологня-кидирув экспедициясида йигирма йилдан бери инженер-геолог бўлиб ишлайди. У коммунистик меҳнат зарбдори. Ушбу суратда К. К. Пономареванн иш устида кўриб турибсиз.

В. Портнов фотоси.

ИШЧИ-МУХБИРЛАР ЎҚИМОҚДА

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетида навбатдаги машғулот бўлиб ўтди. Унда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори Н. Насимов «КПСС Марказий Комитетининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги қарори ва ишчи мухбирларнинг шу қарордан келиб чиқадиган вазифалари» мавзусида суҳбат ўтказди.

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ меҳнаткашларининг маданий турмуш даражасини юксалтиришга катта эътибор бермоқда. «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси қишлоқ қурилиши бўлимининг мудири С. Сайдалиевнинг суҳбати мана шу мавзуда бўлди.

«Тошкент оқшоми» газетасининг ходими, ёш шоир Насриддин Муҳаммадиев чет элда ишлаб келди. Унинг Эрон таассуротлари ва ҳозирги халқаро аҳвол тўғрисидаги суҳбатини ишчи мухбирлар зўр қизиқиш билан тингладилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.35 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм. 1-серия. 12.05 — Концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Фильм-концерт. 16.25 — Жонажон табиат. 16.45 — Қўшиқларимиз парвоз эт. 17.30 — Г. Х. Андерсон эртаклари. 18.00 — Ёшлар адреслари. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.05 — СССР халқ артисти Д. Гнатюк куйлайди. 20.15 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Фестивалдар, конкурслар, концертлар. Кўрсатув тугагач, дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Болалар учун театр. 12.50 — Тўрт танкчи ва ит. Бадиий фильм. 4-серия. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Камалак. 19.10 —Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Миниатюралар театри 20.30— Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ноннеъмат бунёдкорлари. 22.20— Узун кўзандаги сув париси. Бадиий фильм. 2-серия.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Эстетика асослари. 21.05 — Физика. 22.05 — Она тили. 22.35 — Етти қария ва бир қиз. Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/IV да Анда, 2/IV да Дон Кихот, 3/IV да Дилором.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/IV Гулбаҳор қани, 3/IV да Она қизим.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IV да Ишқ қурбонлари (19.00).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуш — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 06166. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1573. 14